



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 59 (10.112)

2004 ЙИЛ 29 МАРТ

**ПОЙТАХТНИНГ  
Бир кўни**  
Янгиликлар, воқеалар

## ҚИСҚА сатрларда

● **КЕЧА** Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий боғида Меҳр ва муруват йили ҳамда Наврўз байрамига бағишлаб ўтказилган хайрият тадбири Тошкент шаҳар Узаро ижтимоий ёрдам «Меҳрибонлик» жамияти ташаббуси билан уюштирилди.

● **ЖАҲОН** иқтисодиёти ва дипломатия университетининг халқаро иқтисодий муносабатлар факультетига талабалар учун «Маънавият кўни» ташкил этилди. Унда эл суйган актёрлар — Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ артисти Зикир Мухаммаджонов ва Мадина Мухторовалар иштирок этишди.

● **ОЛИМЖОН** Аширов номи маҳаллада уюштирилган тадбир «Миллий анъаналар ва қадрият» деб номланди.

● **ШАХРИМИЗДАГИ** Хусайн Бойқаро кўчасида ёшлар иштирокида «Тошкент ёшлар нигоҳида» мавзусида деворга расм чизиш акцияси бўлиб ўтди.

● **ФАН** ва технологиялар маркази босмахонасида «Узаро муносабатларда инсонийлик ва меҳрни шакллантиришнинг психологик асослари» мавзусида дара суҳбати уюштирилди.

● **ЧИЛОНЗОР** туманидаги «Наврўз» маҳалла гузарига «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими томонидан аҳоли ўртасида маънавий-маърифий ишларни янада жонлантириш мақсадида тадбир ўтказилди.

● **БЕКТЕМИР** туманидаги «Кўёшча нури» стадионида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан ҳашар уюштирилди. Унда майдон атрофи чиқиндилардан тозаланди, ораста холга келтирилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Матбуот хизмати ва ўз

мухбирларимиз

хабарларидан.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг ҚАРОРИ

### Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясини чақиритиш тўғрисида

#### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессияси 2004 йил 29 апрель кўни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлисининг Раиси Э.ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри,  
2004 йил 26 март

\*\*\*

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессияси муҳокамасига қуйилган масалалар киритилиши назарда тутилмоқда:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2003 йилдаги ижроси тўғрисида.

2. «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).

3. «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).

4. «Электрон тижорат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).

\*\*\*

Ушбу масалалар билан бир қаторда депутатлар муҳокамасига Олий Мажлис ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам киритилиши мўлжалланмоқда.

5. «Қизил ярим ой ва қизил хоч тимсоларидан фойдаланиш ҳамда уларни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).

6. «Сийсий партияларни давлат томонидан молиялаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.

7. «Жинойи фаолиятдан олинган даромадларни ошқоралаштиришга (легаллаштиришга) ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).

8. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида.

\*\*\*

## «Ташаббус — 2004»

### Ғолибларга совринлар топширилади

Пойтахтимиздаги мухташам «Ўзкўргазмасавдо» мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг совринлари учун анъанавий «Ташаббус—2004» кўрик-танловининг якуновчи республика босқичи ўтказилиб, унда мамлакатимизнинг «Энг яхши тадбиркор», «Энг яхши фермер» ва «Энг яхши хунарманд»и аниқланди.

Давоми 2-бетда.



## Янги ижодий уюшма

Оммавий ахборот воситалари фаолиятини эркинлаштириш, матбуот сўзининг ҳолиси ва ошқоралигини таъминлаш фуқаролик жамиятини барпо этишнинг муҳим омилларидан ҳисобланади. Бундай вазифаларни амалга ошириш эса бевосита соҳа вакиллариининг турли манфаат ва қизиқишларини ҳимоя қила оладиган, оммавий ахборот воситалари фаолияти билан боғлиқ муаммоларни давлат ҳамда жамоат ташкилотлари олдида дадил кўя оладиган, ижод эркинлиги шароитида журналистлар ҳамкорлигини ташкил этишига даъват этилган янги ижодий ташкилот тузиш эҳтиёжини юзага чиқарди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасини тузиш бўйича Миллий матбуот марказида ўтган таъсис конференциясида сўзга чиққанлар янги уюшма

оммавий ахборот воситалари ижодий жамоаларига ҳар жиҳатдан ёрдам кўрсатиши, матбуотга дахлдор хорижий ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқалари-

ни йўлга қўйиш учун шароит яратиши, журналистлар, айниқса, ёш ходимларнинг касб маҳоратини ошириш ва тажриба алмашишига кўмаклашиши, таниқли журналистлар, етук матбуот ходимлари ижодий тажрибасини оммалаштириш, журналистларнинг ихтисослашувига кўмаклашиш каби масалалар билан ҳам шуғулланиши муҳимлигини таъкидладилар.

Конференцияда ташкилотнинг Низомини қабул қилинди. Шерзод Фуломов ижодий уюшма бошқарувининг раиси этиб сайланди.

ЎЗА

## XXI саҳоси ХАБАР

### Мамлакатимизда

● «Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтини ташкил этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори матбуотда эълон қилинди.

● Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Р.Азимов ва Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) миссияси раҳбари Э.Де Врайер иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда ХВЖ миссияси раҳбари қайд этганидек, Халқаро валюта жамғармаси билан Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Марказий банки ўртасидаги фаол ҳамкорлик икки томонлама мулоқотни ўрнатишга ёрдам берди ва уни янги босқичга кўтарди.

● Республика Шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Наманган филиали Россиянинг Новосибирск вилояти билан узоқ муддатли шартнома имзолади. Унга кўра марказнинг 25 нафар шифокори Новосибирск шаҳрининг етакчи тиббий марказларида малака оширадилар.

● Тошкентда Маданият ишлари вазирлиги ва «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси ташаббуси билан замонавий мавзуларда сахналаштирилган спектаклларнинг биринчи республика кўрик-фестивали иш бошлади.

● Қарши шаҳар халқ таълими бўлими ташаббуси билан ёшларнинг компьютер соҳасидаги билимларини ошириш мақсадида 43 та умумтаълим мактабларидаги компьютерлар Интернет тармоғига уланди.

● Урганч шаҳрида «Сиз тарихни биласизми?» кўрик-танловининг Хоразм вилоят босқичи бўлиб ўтди.


### Жаҳонда

● Италия парламентининг юқори палатаси мамлакат конституциясига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини тасдиқлади. Унга кўра бош вазир ваколатини кенгайтириш, минтақавий бошқарув органларига баъзи бир имтиёзлар бериш кўзда тутилган.

● Испания пойтахти Мадрид шаҳрида амалга оширилган йирик террорчилик ҳаракатидан сўнг икки кун ўтгач Европа Иттифоқи терроризмга қарши кураш учун янги чоралар кўриши маълум қилган эди. Брюсселда бўлиб ўтган Европа Иттифоқи аъзо давлатлар раҳбарлари саммитида етакчилар ЕКнинг терроризмга қарши курашувчи муовифлаштирувчи марказини ташкил қилди.

● Европа комиссияси «Майкрософт» компаниясини дастурлар таъминотидаги етакчилигини суиистеъмол қилаётганилиги учун 497 миллион евро жарима тўлаш жазосига маҳкум этди.

● Коста-Рикада бир ҳафтадан буён кучли ўрмон ёнғинлари давом этмоқда. Ўтган вақт мобайнида ёнғин 8 минг гектар ўрмон ҳудудини куйдириб кул қилди.



**Оламда  
нима гап?**

**Жаҳон ва маҳаллий  
ахборот воситалари  
хабарларидан**

● Россия Марказий сайлов комиссияси 14 март куни мамлакатда бўлиб ўтган Президент сайловининг расмий натижаларини эълон қилди. У сайловнинг эртасигаёқ эълон қилинган дастлабки натижалардан фарқланмайди. Шундай қилиб 71,31 фоиз овоз олган (49 миллион 565 минг 238 киши овоз берган) Владимир Путин Россия Президенти этиб тасдиқланди. Россия Федерацияси Марказий сайлов комиссияси раиси Александр Вешняковнинг айтишича, иккинчи муддатга сайланган В.Путиннинг лавозимини расмий қабул қилиб олиш маросими қонунга кўра 7 майга белгиланди.

● 1991 йили ўлдириб кетилган Ҳиндистоннинг Бош вазири Ражив Гандининг ўғли Раул умумхалқ сайловларида катнашсини режалаштирмақда. Маҳаллий оммавий ахборот воситалари бу воқеани Гандилар сулоласи навбатдаги авлодининг катта сибсатга кириб келиши, деб баҳолади. Раул ҳозирда мамлакат конгрессидида ўрин учун курашишга тайёргарлик кўрмоқда.

● Буюк Британиянинг Москвадаги элчиси Саймон Эванс 2004 йилда Россияда қайта ишланган ядро ёқилгисини чиқиндида чиқариш ва сақлаш дастурини амалга ошириш учун расмий Лондон 30 миллион АҚШ доллари миқдорда маблағ ажратишини маълум қилди.

● ИТАР-ТАСС ахборот агентлиги тарқатган хабарга кўра, Германиянинг гарбида жойлашган Дюссельдорф шаҳридаги марказий темир йўл вокзали вақтинча ёпиб қўйилди. Германия Федерал чегара хизмати вакилининг таъкидлашича, бунга номазлум кишилар томонидан қилинган телефон кўнгириги сабаб бўлган. Бирок, полиция ходимлари ўтказган жиддий текширувлардан сўнг ҳеч қандай портловчи модда топилмади. Ҳозирда вокзал яна ўз фаолиятини бошлади.

● Вашингтонда бўлиб ўтган матбуот-конференциясида NASA агентлиги Марс сайёраси тўғрисида шов-шувли хабар тарқатди. Марс ва Ойда изланишлар дастури бошлиги Джим Гэрвин «Кизил сайёра»да бир вақтлар ҳаёт борлигидан дарак берувчи маълумотни баён этди. Гап шундаки Марсда изланиш олиб бораётган «Оппортюнити» космик кемаси тирик организмлар учун зарур бўлган минераллар билан бойиган тўз қотишмасини топган.

● Испаниянинг ҳарбий контингенти Ироқдан олиб чиқиши мумкин. Мамлакат бош вазири Хосе Луис Родригес Сапатеиро агар БМТ 2004 йил 30 июнгача Ироқда тинчликпарвар операцияларини бошламаса, бу масала янада ойдинлаштишни айтиб ўтди. Бош вазирнинг бундай қарорга келишининг яна бир асосий сабаби, Мадридда амалга оширилган қўпурувчилик ҳаракати ҳисобланмоқда. Чунки бу воқеадан сўнг Испания ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига террорчилар томонидан юборилган таҳдидли номаларда испан кучларининг Ироқдан олиб кетилиши талаб этилган эди.

**Ғолибларга совринлар  
топширилади**

Давоми. Боши 1-бетда.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики юртимиз бўйлаб ҳар йил яқунларига кўра ташкил этилаётган «Ташаббус» кўрик-танлови жорий йилда ҳам кизгин тус олиб, босқичма-босқич ўтказилган ушбу тадбирда 5486 нафар тадбиркор, 3774 нафар фермер ва 3645 нафар хунарманд иштирок этди. Танловнинг асосий мақсади эса тадбиркорлик руҳини қарор топтириш, ишбилармонлик фаолиятини оммалаштириш, экспорттоб маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, хунар усталарининг ижодларини янада ривожлантириш ҳисобланади.

Республика танловига муваффақият билан этиб келган 41 иштирокчи ўз олдида турган барча шартларга мукамал тайёргарлик кўрганлиги, айниқса, уларнинг маҳсулотлари ўрин олган кўرғазмада яққол акс этди. Ҳар бир экспозициядаги ўзига хослик, маҳсулот сифати ва рақобатбардошлиги нафақат ҳайъат аъзолари, балки барча томошабинларни ҳам мамнун этди.

Танловни Ўзбекистон Республикаси Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси, ташкилий қўмита раиси Музаффарбек Собиров очиб, барча иштирокчиларни муваффақиятлари билан қўлаб, уларга омад тилади. Сўнгра шартлар бўйича беллашувлар бошланди. Иштирокчиларни баҳолаш жараёнида корхонанинг йил давомидаги молиявий-ҳўжалик кўрсаткичлари, экспорттоб ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми замонвий ишлаб чиқариш технологияларини татбиқ этиш ва қўллаш, янги ишчи ўринлари яратиш, жамоатчилик ва хайрия ишларидаги фаол иштироки асосий омиллар сифатида

эътиборга олинди.

— Президентимиз ўтган йил яқунларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида мамлакатимизда ишбилармонликнинг ривожига оқори баҳо бериб, тадбиркорларимиз олдида янада улкан вазифалар кўйди, — дейди республика Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси Музаффарбек Собиров. — Бу ҳар бир тадбиркорни руҳлантириб, янги изланишларга ундайди. Изланишлар самараси эса мана шундай танловларимизда яққол ўзига ташланмоқда. Тадбиркорларимиз сафи нафақат сон, балки сифат жиҳатидан ҳам ўсмоқда, улар ўртасида соғлом рақобат вужудга келмоқда. Ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришда улуши ортиб, янги ишчи ўринлари яратилмоқда. Булардан қувониш ва уларни ҳамisha қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш лозим.

Ниҳоят кун давомида ўтказилган танловнинг ҳаяжонли дақиқалари этиб келиб, ғолиблар эълон қилинди. Республика танловида «Энг яхши тадбиркор» номини Андижон вилоятидан «Насрулло Ҳожий-22» хусусий кўп тармоқли фирмаси раҳбари Умарбек Тожиев қўлга киритди. Фарғона вилоятининг «Умид» фермер хўжалиги раҳбари Имомали Назаров «Энг яхши фермер», Навоий вилоятидан Ирина Кудрявцева «Энг яхши хунарманд» номига сазовор бўлишди. Биринчи ўринни эгаллаган ушбу ғолибларга I даражали диплом, олтин медаль ҳамда «Матиз» энгил автомобил тантанали равишда топширилди.

Танловда иштирок этиб пойтахтимиз шаҳрафини ҳимоя қилган, шаҳар босқичи ғолиблари «Акватех» масъулияти чекланган жа-



мияти (директори Альбина Сафарова) ҳамда хунарманд уста Убайдулла Қосимов фахрли 2-ўринни қўлга киритиб, қумуш медаль соҳиби бўлишди. Шунингдек, бронза медали эгалари, «Энг яхши тадбиркор аёл», «Ме-нежмент бўйича энг яхши ўқитувчи», «Энг ёш тадбиркор», «Тадбиркорлик фаолиятини энг яхши ёритган тележурналист ва журналист», Меҳр ва мурувват йили муносабати билан «Энг кўп мурувват кўрсатган тадбиркор», «Болалар спортини ривожлантиришга энг кўп ҳисса қўшган тадбиркор» йўналишлари бўйича ҳам ғолибларга ташкилотчи ва ҳомийларнинг совғалари топширилди.

Ғолибларни тақдирлаш маросимида янграган таниқли санъаткорларнинг дилбар қўшиқ ва шўх рақслари тадбирга ўзгача фойз киритди.

**Шарифа ИЛЁСОВА**  
СУРАТЛАРДА: «Ташаббус—2004» кўрик-танлови республика босқичидан лавҳалар.

**Тағбирлар**

**Меҳр-мурувват — кўнгилга қувват**

Яқинда Юнусобод туманидаги 21-меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига Наврўз байрами муносабати билан Тошкент Молия институти жамоаси ҳомийлигида байрам дастурхони ташкил этилиб, 160 нафар кўнгли ўқсик болаларга ош тортилди.

Фуркат номидаги бадиий-ҳаваскорлик жамоаси ҳамда меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари тайёрлаган дилрабо куй ва қўшиқлар, жозибали миллий рақслар байрамга ўзгача шухуқ бағишладди.

Меҳрибонлик уйига ташриф буюрган Молия институти раҳбарияти, «Чет тиллари» кафедраси жамоаси, Олой бозори, Ўзбекистон Бадиий академияси ва бошқа корхона-ташкilotлар вакиллари ўзларининг меҳр-мурувватларини дариг тутмаган ҳолда кўнгли ўқсик болажонларга ҳар хил ширинликлар, кийим-кечаклар, ўқув қуроллари, гилам, бадиий китобларни совға сифатида топширдилар.

Айни кунда меҳрибонлик уйида 160 нафар ота-онасиз болалар тарбияланмоқда. Бу ерда барча шарт-шароитлар етарли бўлиб «Гулибону» ракс дастаси, «Сен ёлғиз эмассан» жамғармаси ҳомийлигидаги каби компьютер, шахмат-шашка, теннис, футбол, инглиз, испан тили, 10 га яқин тўгараклар тарбияланувчилар хизматиди.

Малик Рўзикулов раҳбарлик қилаётган меҳрибонлик уйида барча ходимлар тарбияланувчиларга ўз боласидек муносабатда бўлиш билан бирга уларни меҳр-муҳаббатли, одоб-ахлоқ-

ли ва соғлом бўлиб вояга етишларида ўз фидойиликларини аямаяқлар. Аммо ота-она меҳрига, ардоғига нима етсин. Ҳеч нарса ва ҳеч кимнинг муҳаббати ота-она дийдорини, меҳричалик уларнинг чанқоғига малҳам бўла олмайд.

Меҳр ва мурувват йилида кўрсатилаётган бундай саховат бир кун келиб кўнгли ўқсик болажонларимизнинг меҳр-оқибатли инсонлар бўлиб камолга етишишлари йўлида ўзининг ижобий натижасини беради, деб умид қиламиз. Халқимиз, болаларимизнинг бахтига ҳамisha мурувватли, саховатли инсонларимиз кўпаяверсин.

**Марям АХМЕДОВА**  
СУРАТЛАРДА: 21-меҳрибонлик уйидаги байрам тадбирдан лавҳалар.  
**Ҳакимжон Солихов**  
олган суратлар.



Собир Раҳимов туманида яқинда «Тадбиркор аёл» уюшмаси тузилганди. Наврўзи олам байрами кунларида ўзаро ижтимоий ёрдам «Меҳрибонлик» ногиронлар жамияти туман бўлими ташаббуси билан «Сағбон» қаҳвахонасида тумандаги тадбиркор аёллар ва жамият аъзоларининг учрашуви ташкил этилди.

**Қизиқарли учрашув**

Ушбу учрашув ва ўзаро мулоқот тадбири давомида Меҳр ва мурувват йилида ҳамкорликда турли тадбирларни ўтказиш режалари белгилаб олинди. Ўзаро ижтимоий ёрдам «Меҳрибонлик» ногиронлар жамияти аъзоларига тадбиркор-

лар ўз совғаларини топширди.

Туман маданият бўлими хонанда ва созанда лари ижросидаги шўх қўшиқ ва рақслар йиғилганларни хушнуд этди.

(Ўз муҳбиримиз)  
СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар.



## Маълум

## Мактабга грант

Тошкентдаги 247-ўрта мактаб ташкил топганига 30 йил бўлди. Шу сана муносабати билан билим ўқоғининг ўқув-моддий негизи янада мустаҳкамланди.

Гап шундаки, педагогик жамоа Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан яқин алоқа боғлаб келмоқда. Мактабнинг 30 йиллиги муносабати билан элчихона мактабга алоҳида грант ажратди.

Ана шу маблаг ҳисобидан ўқувчи қизлар билан меҳнат таълими олиб борилаётган синфхонага тикув машиналари олинди. Дурадгорлик устaxonаси эса янги асбоб-ускуналар билан бойиди.

Айни вақтда ўқув даргоҳини компьютер қурилмалари билан таъминлаш кўзда тутилди. Бу эса мактабда компьютер хонасини очиш имконини беради.

## Педагогик маълумотнома

Мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи bosқичи давом этмоқда. Таълимда юқори сифат кўрсаткичига эришишдан иборат бу жараён методик маълумотномада ўзифодасини топди.

Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда «Истеъдод» республика жамғармаси ҳамкорлигида босмага тайёрланган мазкур янги нашр олий ўқув юртлири, академик лицей ва касб-хунар коллежлари раҳбарлари учун яхши қўлланма бўлиб хизмат қилади.

Педагогик ва психологик таълим, ўқув жараёнларини уюштириш, маъруза ва амалий машғулотлар мазмуни, талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиёти муаммолари каби масалалар ҳам ушбу қўлланмада кенг ёритилди.

Шунингдек, масофавий таълим бўйича ҳам фойдали маслаҳатлар берилган.

Маълумотномани «Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси chop этди.

## Деканлар учун семинарлар

Республикамиз олий ўқув юртиларида таълим ва тарбияни янада яхшилаш мақсадида илмий-методик анжуманлар ташкил этилмоқда. Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ўтказилаётган семинарлар эса факультетлар деканлари иштирокида уюштирилмоқда.

Бундай педагогик тадбирнинг навбатдагиси ҳам мазмунли бўлди. Унда «Кадрлар тайёрлашнинг муҳим муаммолари», «Иқтисодиёт ва маркетинг» каби мавзуларда ҳам маърузалар тингланди.

Тошкент молия институти, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети факультетларида амалга оширилаётган таълимий жараёнларни тўғрисидаги чиқишлар ҳам тингловчиларга манзур бўлди.

Ақбар АЛИЕВ

## Ҳафталик уюшқоқлик билан ўтади

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Европа Иқтисодиёт Комиссияси томонидан жорий йил 5 апрелдан 11 апрелга қадар «Йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳафталиги»ни ўтказишга оид қарор қабул қилинди. Мазкур ҳужжат барча мамлакатлар фуқаролари учун ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш йўлидаги фаолигини янада оширишга хизмат қилади.

Мамлакатимизда бу борада мунтазам ўтказиб келинаётган ҳаракат хавфсизлиги ойликлари йўл-транспорт ҳодисаларининг камайишида, қондабузарларга нисбатан кўрилатган чоралар эса қонун устуворлигини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлаш жоиз.

Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси бўлим бошиғи, милиция подполковниги Анвархўжа Сулаймонхўжаев йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳафталигини ўтказишга қан-

дай тайёргарлик кўрилатгани ҳақида ЎЗА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди.

Мазкур қарорга мувофиқ мамлакатимиз миқёсида ҳафталикни самарали ўтказиш мақсадида комплекс чора-тадбирлар белгилаб олинди. Тадбирга ички ишлар идоралари, жумладан, Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари кенг жалб этилади. Улар маҳаллий ҳокимликлар хузуридаги йўл ҳаракати хавфсизлиги комиссиялари билан ҳамкорликда ҳафталикнинг моҳияти ҳақида



## «Мерседес-бенц» марказида тақдимот

Халқимизнинг сеvimли байрами Наврўзи олам юртимизда кенг ишонланаётган кунларда «Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат уюшмасида уч юзичи «Мерседес-Бенц Конекто 0345» автобусининг тақдимоти бўлиб ўтди. Ушбу тақдимот «8-автобус саройи» очик акционерлик жамиятининг «Мерседес-Бенц» сервис марказида ўтказилди.

1996 йилдан буён «Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат уюшмаси билан Германиянинг муайян саноат доиралари ўртасида мустаҳкам иқтисодий алоқалар ўрнатилган. Айниқса, жаҳонга донги кетган «Даймлер Крайслер» саноат концерни таркибига кирувчи машина «Эво Бус ГлебХ Мерседес Бенц Автобус» автомобиль ишлаб чиқариш фирмаси билан алоқалар яхши самаралар бермоқда.

Хозирги кунда пойтахтимизнинг кенг ва раvon йўлларида ҳаракат қилаётган транспорт воситалари қаторида «Мерседес-Бенц» 0 405 ва 0 345 русумларидаги автобуслардан 585 таси йўловчиларни ташишда кенг қўлланмоқда. Таъкидлаш лозимки, МДХдаги ҳеч бир шаҳарда шунча миқдордаги «Мерседес-Бенц»лар мавжуд эмас.

Бу русумдаги автобусларнинг биринчи туркуми 600 миң километр, 40 тадан ортиги эса 1 миллион километр йўлни капитал таъмирсиз босиб ўтди ҳамда бошқа хорижий транспорт воситаларига қараганда иқтисодий рентабеллиги ҳамда кўплаб бошқа ижобий хусусиятларини намойиш этди. Уларга «Евро-3» турдаги замонавий двигателлар, автомат узатиш кутиси ўрнатилганлиги, техник жиҳатдан хозирги замон талабларига тўла жавоб бериши, салони шинамлиги, бошқаришда қулайлиги билан йўловчиларни ва ҳайдовчиларни мамнун этмоқда.

2002 йилда тузилган ўзаро шартномага асосан «Мерседес-Бенц Тюрк АШ» компаниясида ишлаб чиқарилган «Мерседес-Бенц 0 345» русумли автобуслардан 300 тасини харид қилиш режаланганди. Ушбу автобуслардан 30 таси 2003 йилнинг апрель ойида Тошкентга келтирилди ва уларда биринчи бор май ойи бошларида пойтахтда ўтказилган Европа Тикланни ва тараққиёт банки бошқарувчиларининг йиллик саммити қатнашчиларига хизмат кўрсатилди. Бугунги кунга келиб эса барча 300 та автобуслар, унга эҳтиёт қисмлар ва ускуналар келтирилди. Автобуслар

уюшма тасарруфидаги автосаройларга берилди ва улар шаҳар йўналишларида йўловчиларга намунали хизмат кўрсатмоқда.

Германиялик ҳамкорларнинг фаол саъй-ҳаракатлари туфайли 2- ва 8-автосаройларда мазкур автобусларни таъмирлаш ҳамда сервис хизмати кўрсатиш мақсадида энг замонавий хорижий технологиялар билан жиҳозланган автосервис марказлари ташкил этилганди. Яқинда мазкур марказ шохобчаси «7-автобус саройи» акционерлик жамиятида ҳам иш бошлади. Чунки пойтахтдаги йўловчи ташишда самарали бўлган «Мерседес-Бенц»дан фойдаланишнинг иқтисодий кўрсаткичлари кўп жиҳатдан улarga кўрсатилган сифатли техник хизмат ҳамда профилактика ишларига бевосита боғлиқлиги ҳаммага аён.

Этиборли томони, сервис марказининг кўплаб ишчилари Германияда ўқиб, иш тажрибаларини ошириб келдилар. Шу боисдан ҳам сервис марказларида автобуслар сифатли таъмирдан чиқмоқда, талабларга амал қилиб кўрсатилган сервис хизмати ҳаракат таркибининг 100 фоиз яроқлигини таъминлаш имконини бермоқда.

Тақдимот маросимида янги лойиҳалар ҳақида ҳам гап борди. Жорий йилнинг инвестиция дастурига «Мерседес-Бенц Конекто 0 345» русумли яна 500 та автобус ва улarga эҳтиёт қисмлар келтирилиши тўғрисидаги лойиҳа киритилди.

Баҳор, Наврўзи олам шарофати билан янада гўзаллашган пойтахтимизнинг оидин йўлларига ярашган бу автобуслар ҳамшаҳарларимиз ва меҳмонларга янада қулайли яратиб, уларни кўзлаган манзилларига бехатар етказиш учун малакали ҳайдовчилар ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА  
СУРАТДА: «Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат уюшмаси бошқаруви раиси ўринбосари Ш.Ибодуллаев меҳмонларни янги автобуслар билан таништирмоқда.

идора ва ташкилотлар, мактаблар ва мактабгача таълим муассасаларида, маҳалларда кенг қўламада тушунтириш ишлари олиб боради, суҳбатлар ўтказилади.

Айни вақтда аҳоли тигиз яшайдиган жойларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга оид кўргазмали паннолар, реклама материаллари ўрнатилмоқда. Барча транспорт воситаларининг техник солик даражаси текширилиб, жамоатчилик вакиллари иштирокида тузилган гуруҳлар йўлларда мунтазам назорат ишларини кучайтириб боради, реорлар ўтказилади. Йўл ҳаракати қондабузарлиги бўйича тузилган айрим маъмурий ҳужжатларни маҳалларда ва меҳнат жамоаларида муҳокама этилиши йўлга қўйилади. Бундай тадбирлар ўз самарасини бериши шубҳасиз.

Беҳзод НОРБОВЕВ,  
ЎЗА мухбири

Президентимизнинг 2002 йил 30 майдаги «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги Фармони юртимизда барча телекоммуникация соҳалари қатори таксофон тармоғини ҳам кенг ривожлантиришга катта йўл очиб берди. Ушбу Фармон талабларидан келиб чиқиб «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясида «Тошкент Таксофони» акциядорлик жамияти фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш, республикамизда замонавий таксофонларни жорий этган ҳолда аҳолини юқори сифатли телефон алоқаси билан таъминлаш ишлари бошлаб юборилди.

## Янги қўшма корхона фаолият бошлади

Дарҳақиқат, хозирги кунда мамлакатимиздаги мавжуд таксофон тармоғининг эскирган технологияларга асосланганлиги, ривожланиш жиҳатидан ҳам бошқа телекоммуникация соҳаларидан анча орқада қолганлиги ва бу ҳолат аҳолининг таксофонлар орқали телефон алоқасига бўлган эҳтиёжларини тўла қондира олмаётганлиги сир эмас. Шу сабабдан, соҳага чет эл сармоси, хорижий шу тармоқ бўйича иш олиб борувчи етакчи компаниялари жалб этилди. Натижада «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси

қўшма корхонани тузишда бекорга айнан «Solon Communication Services» компанияси танлангани йўқ. Ушбу компания таксофон тармоғи хизмати кўрсатиш бўйича дунёда етакчи ўринда туради. Унинг таксофон аппаратлари энг замонавий талабларга жавоб бериб, махсус карталар ёрдамида маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро телефон алоқаси хизматларидан фойдаланиш имконини беради. Ушбу карталарнинг универсаллиги шундаки, улардан нафақат таксофонлар, балки уй, иш, ҳатто уяли теле-

фонлар орқали ҳам фойдаланиш мумкин. Келажақда эса бу карталар билан миждорларнинг Интернетга боғланишлари ҳам йўлга қўйилади.

Таксофон карталарининг бундан бошқа ўзига хос ютуқли томонлари ҳам бор. Жумладан, «Тошкент Таксофони» қўшма корхонасининг карталари чип карталарига нисбатан анча арзон. Негаки, чип карталари фақат чет давлатларда тайёрланса, махсус карталарини ўзимизда ишлаб чиқариш имконияти мавжуд. Бу карталар таннархини арзонлаштириш билан бирга маҳаллий ишлаб чиқариш иқтисодиётига ҳам яхшигина даромад келтириб, валютани тежаб қўлади. Шунингдек, юқорида айтиб ўтилганидек, уни ҳар қандай телефонда ишлатиш мумкин.

Режага кўра бир йил давомида шаҳримизга 10 миңга телефон аппаратларини ўрнатиш кўзда тутилмоқда. Сўнг бутун республика бўйлаб таксофон хизматларини йўлга қўйиш ишлари бошланади. Режага кўра яқин беш йилда мамлакатимизнинг барча вилоятларига компаниянинг 50 миңга таксофонларни ўрнатилади.

Даврон НУРМАТОВ  
СУРАТДА: шаҳримизга ўрнатиладиган янги таксофоннинг кўриниши.



«Табиятда битта мукамал мўъжиза бор. У — Аёлдир» дейилади қадимги китобларда. Бу — ҳақиқат. Аёл кирган хонадон — чароғон. Аёл ташриф буюрган қалбада ҳарорат бор. Аёл яшаётган дунё — саодатли. Аёлнинг қўл учларидан мўъжиза яралади, у истаса тош устида гул ундирмоғи мумкин!

Аёлнинг бағри — кенг дарё. Ирмоқчалар шу дарёдан куч олиб, қад ростлайди. Токи аёл ҳаёт экан, дарё яшайверади, ирмоқлар ҳеч завол топмайди. Бу дарёнинг ҳар заррасида меҳр бор, муҳаббат бор, садоқат бор...

Истиклолнинг улкан имкониятлари аёлнинг ҳаётига, маънавиятига ўз таъсирини ўтказди. Бугунги аёл ўзига ярашиб турадиган энг ихчам либосларда ўзгача шахд билан кўчага отланади. Сабаби, иш кўп, ҳаракат кўп. Ҳаммасига улгурши керак. Улар идора ишини ҳам, тadbиркорлигини ҳам эплашяпти. Маҳалла юмушларию рўзгорнинг минг битта майда-чуйда ташвишларини ҳал этишга вақт топишяпти. Ишдан ортиб, менежерлик сабоқларини ўрганишга, компьютерлар ёнига ўтириб Интернет тизими орқали дунё мамлакатлари билан боғланишни уддалаётган аёллар

кўп. Фарзандлар учун жон куйдириб, уларни спорт машгулотлари, ҳунар курсларига кунба кун ётақлаб борадиганларнинг аксарияти ҳам аёллар. Маҳалланинг турли тadbирларига бош бўлиб, ҳар соҳада ташаббуслар кўрсатаётган опа-сингилларимизчи? Бир аёл шунча юмушни қандай бажараркин, деб юборасан беихтиёр. Ё чиндан ҳам унинг қирқта жони борми? Агар шу рост бўлса қирқ жонининг барисин фақат фидоиликка йўғрилган! Демакки, жамиятнинг раванқ топиб илгариларида, миллатнинг кучли бўлишида, озод юртининг келажиги буюклашишида Аёлнинг мислсиз ўрни бор!

Лекин, баъзан... Кўча-кўйда, бозор ва бекатларда баъзан оғир рўзгор халталарни кўтариб, қадди эгилиб-эги-

либ бораётган аёлларни учратамиз. «Уларнинг спорт машгулотлари, ҳунар курсларига кунба кун кўлидан юкни оладиган бирор азамат борми» деб ўйлайман мен. Ахир аёл кунига бир маротаба бўлса-да хаёлан маликага айланади. Узи учун бир ширин лутф, бир чимдим муҳаббат кутади. Аммо, ўз аёлнинг бу ҳолатини ич-ичдан илғаб оладиган «шўърада»лар қанча? Яқинда бир воқеани эшитиб бироз ранжидим. Маҳаллада яшаётган ёш бир оила ажрим учун судга ариза беришди. Суриштириб билишаски, келин-куёв ўртасидаги келишмовчилик оддий тортишувдан бошланган экан. Унда куёв «Онам сенга икки-уч сидрадан кийим-кечак қилганди, сенинг онам мен учун дурустроқ саруно бергани йўқ» деб гапириб қўйибди. Бу танбех келиннинг юрагига оғир

ботган ва у ота уйига араблаб кетган. Йигитларимиз сал кенгфеълроқ, мулойимроқ бўлишса бундай дилхиралликларга ўрин қолмасмиди...

«Аёлни тушуниш учун уни севиш керак» дейди бир файласуф. Зеро, куюнчак, фидойи, назокатли аёлларимиз улкан муҳаббатга муносиб. Мен эркакларимизга «Уларни севинг, қадрланг» дегим келаверади. Унг шундай сатрлар хаёлимдан ўтади:

**Опоқ баҳорларни эркалаб кучар, Нафасидан сачрар гулларнинг атри. Ҳали бу кўнглининг бўш жойлари кўп, Сиз уқиб олмаган сирлари, дарди. Жиндай меҳр беринг, озгина имкон, Кипригда қотган доғ бор Аёлнинг. Баъзан тоғ бўлолмай ўтарсиз сиз ҳам, Юрагида улкан тоғ бор Аёлнинг!**

Юртимдаги ҳар битта аёлнинг ҳаётига чиройли бахт, қалбига қайноқ муҳаббат кириб борсин, у дунёдаги энг гўзал маликага айлансин, дейман.

**Гулчехра ЖАМИЛОВА, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.**

Назн ишлари

Эртаминз юлдузлари

(Бу йил Наврўз арафасида яна ўн тўрт нафар зукко қизлар Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлдилар)

Соғлом авлод юлдузлари — Зулфияхоним қизлари. Аждодларим илдилари, — Зулфияхоним қизлари.

Бири-бирдан чиройли, Шарму ҳаё, ибоби. Сўзлари бол, шифоли Зулфияхоним қизлари.

Дастурлари илм-одоб, Севгани санъат, китоб.



Ҳавас-да боқар офтоб, Зулфияхоним қизлари.

Довруғи тилдан тилга, Ёйилар дилдан дилга. Кўпайган йилдан йилга Зулфияхоним қизлари.

Сочиб меҳр қўёшин — Авайларкан Юртбошим. Орта яна сафдоши, Зулфияхоним қизларин!

Олим ҚУЧҚОРБЕКОВ

Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари

Камоланингни камолли

Ўзбек халқини эркалари, Порлоқ эрур эрталари, Тоза иқбол бекалари Зулфияхоним қизлари.

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 1 мартдаги «Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ аъло ҳуққи, зукколиги, донолиги, ташаббускорлиги, ўқишдаги муваффақиятлари билан ноёб истеъдодини намойён этган ҳамда адабиёт, маданият, санъат, фан ва таълим соҳаларида алоҳида ютуқлари учун бир гуруҳ иқтидорли қизлар Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирландилар.

Ана шу ўн тўрт совриндорлар орасида Тошкент шаҳридан Камолахон Эрматова ҳам муносиб ўрин олди. Сиз бу добар, доно ва зукко қизини яхши танийсиз. Бегубор ёшлик, бахтиёрлик уфуриб турган чехраси, куйиб турган кўзларини кўпинча ойнаи жа-

ҳон орқали «Қизлар давраси» кўрсатувлари ва бошқа танловларда бошловчи сифатида қатнашганида кўргансиз, албатта. Камола ёш бўлишига қарамай мактаб давридаёқ ўзининг аъло баҳолари, тиришқоқлиги билан бошқалардан ажралиб туради. У Сергели туманидаги 277-ўрта мактабда ўқиган кезлари ўқув йили мобайнида мактабда ўтказилган «Илҳом чашмалари», «Оила, маҳалла, мактаб», «Соғлом авлод — келажак пойдевори», «Қизлар гулдастаси», «Баҳор маликаси», «Қонуи барчага баробар», «XXI аср маликаси», «Қизлар давраси» сингари кўриктанловларда иштирок этиб, фахрли ва олий ўринларни эгаллашга муваффақ бўлди. Камола мактабин аъло баҳоларга тамомлаб, Тошкент Давлат юридик институти қошидаги академик лицейга ўқишга кирди. Ҳозир 3-курс талабаси. У лицейнинг ижтимоий ҳаётида ҳам фаол қатнашиб, гуруҳ сардори ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий

ҳаракати бошланғич ташкилоти раисининг ёрдамчиси вазифаларини сийдиқилган бажариб тенгдошлари орасида ташаббускорлиги ва ташкилотчилиги билан кўпчиликка ўрнак бўлмоқда. Айниқса биллим олиш, санъат ва маданиятга иштиққи баландлигини унинг «Ўзбекистон» телеканали орқали намойиш этилаётган «Қизлар давраси» кўрсатуви ва «Умид юлдузлари» фестивалларида доимий бошловчилик қилганида сўзга бойлиги, майин ва ширали овози орқали гувоҳи бўлганмиз. Камола суҳандонликка қизиқтиришдан ташқари адабиётга, шеърятга ҳам ихлоли баланд. Севимли шоирамиз Зулфиянинг издошлари орасида ёш Камоланингни қалбига ҳам шеърятга бўлган ҳавас уйғонди. Унинг ёшлик, баҳор, Ватан ҳақида ёзган шеърлари газеталарда чоп этилган. Шу билан бирга Камола чет тилини ўрганишга

ҳам астойдил киришган. — Бундай шарафли мукофот соҳибаларини ҳар йили кўрганимда, уларга жуда ҳавасим келарди. Мен ҳам шундай мукофотга сазовор бўлсам эди, леб орзу қилардим, — дейди Камола биз билан суҳбатда. — Мукофотланганлар орасида менинг ҳам номим чиққанида, билмасимиз шундай қувондимки, бахтиёрлигимнинг чеки йўқ эди. Албатта, бу юксак ишончнинг оқлаши ниятидаман. Негаки бугунги кунда ёшларга яратилаётган кенг имкониятлар, гамҳўрлик ва эътиборлар қувончимиз, фахрлишимиз керак.

Оилада икки бувижоним, ота-онам менга доимо: «Сен ҳеч қачон бирор бир ютуққа эришганингда манмансираб кетмагин, чуқки сендан ҳам юқори натижага эришган дунгоналаринг бор. Камтарлик — инсоннинг

зийнати, қанча камтар бўлсанг, ўзингга фойда» дейдилар. Уларнинг пайд-насихатларига доимо амал қилишга интиламан. Келгусида режаларим бисёр. Ниятим лицейни тугатиб, олий ўқув юртига кириб ўқишни давом эттириш. Чет тилини мукамал ўрганиб, хориж давлатларига бориб ўқиш, изланиш ҳамда билим ва салоҳиятими ошириб Ўзбекистонимиз номини жаҳонга танитишдан иборат. Зулфия онанинг издошлари бўлиш бахтига сазовор бўлганимдан фахрланаман. Шоирамиз даражасига етмасакда, биз мукофот соҳибаларида заррадек кирралари асқ этса бoshим омонга етарди.

Ҳа, бегубор қалбиди бир олам орзу ва мақсад билан олға бораётган Камолахонинг келажакда орзу-ниятлари камол топишига умид қиламиз. Эзгу мақсадларинг йўлдош бўлсин, Камолахон!

**Илм-фанни севар қизлар, Бир-бирдан чевар қизлар, Ҳар бири бир меҳвар қизлар, Зулфияхоним қизлари.**

Гулором ЖАМИДОВА СУРАТДА: Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Камола Эрматова.

**Оила — муқаддас маскан. Қачонки оилалар мустаҳкам ва соғлом, тинч-тотув бўлса жамиятда ҳам осойишталик, барқарорлик вужудга келади. Шунинг учун ҳам юртимизда оилалар соғломлигига ва мустаҳкам бўлишига алоҳида эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги «Никоҳланувчи шахсларни тиббий куриқдан ўтказиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 365-сонли қарори қабул қилиниб, тиббий куриқдан ўтиш мажбурий бўлди ва ушбу қарорнинг ижросини таъминлаш тиббиёт ходимлари, шунингдек ФХДЕ ва никоҳ уйлари зиммасига катта масъулият юклайди. Бугунги кунда Собир Раҳимов туман ФХДЕ бўлимида ҳам бу борада қатор ишлар амалга оширилмоқда.**

Соғлом авлод — келажак пойдевори

—Ешларни тиббий куриқдан ўтказишдан мақсад тиббий-ирсий касалликлардан келажак авлодни асраш, шунингдек бўлажак эр-хотинларни олдиндан огоҳлантириб, уларнинг касалланишининг олдини олишдир. Соғлом фарзандлар дунёга келиши учун энг аввало никоҳга қираётган келин-куёв жисмонан ва маънан соғлом бўлиши керак. Аммо минг афсуски, баъзи ёшларимиз бунни чуқур англаб етмап்தилар. Ҳозирги кунда никоҳдан ўтаётган ҳар бир фуқаро ўзининг соғлигини билиш учун етук мутахассислар куриқдан бепул ўтишга ҳақли эканлигига қарамай, тиббий куриқдан ўтишни рад қилаётган ёшлар ҳам учраб турибди, — дейди туман ФХДЕ бўлими мудири Зулфия Абдурашӯвова. —Дарҳақиқат, ФХДЕ бўлимида никоҳдан ўтиш учун ариза берган фуқароларга тиббий куриқка йўлланма бераётган бўлим ходимлари соғлом оила куриш учун,

соғлом фарзандларни дунёга келтириш ва уларни баркамол, дуркун қилиб тарбиялашда тиббий куриқнинг аҳамияти муҳимлиги тўғрисида тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар.

Ешлар билан суҳбат ўтказилганда оилаларимизнинг барод бўлишига асосий сабаб бир тарафининг гивёанд моддалар ёки спиртли ичимликлар истеъмол қилишга руҳу қўйганини, баъзи холларда никоҳланувчи ёшлардан бири таносил касаллиги билан оғриганлари сабаб бўлаётгани ҳақида ҳам кенгрок тушунтириш берилмоқда.

Бугунги кунда «Никоҳланувчи шахсларни тиббий куриқдан ўтказиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор ижроси юзасидан «Еш оила мактаби» машгулотлари ташкил қилиниб, у ҳар ойда бир марта «Шодлик» никоҳ уйи биносидида ўтказилмоқда.

Шунингдек, иш режасига кўра туман ФХДЕ бўлими ходимлари маҳалла, мактабларда туман соғлиқни сақлаш ходимлари иштирокида «Соғлом оилани шакллантириш» мавзуларида давра суҳбатлари юшотирилмоқда.



Соғлом оилани шакллантириш, соғлом фарзандлар ўстиришда тиббий куриқнинг аҳамияти ва моҳиятини фуқароларимиз англаб етар экан, жамиятда соғлом оилалар сони кўпаяди ва никоҳдан ажралиш холлари кам учрайди. Зеро оила тинчлиги — юрт бойлигидир. Шундай экан, оилаларимиз тинч, болаларимиз бахтиёр яшаши учун соғлигимизни асрашимиз шарт. Чуқки соғлом оилада соғлом фарзандлар камолга етади. Фарзандларимиз бизнинг ёрқин келажакимиз, порлоқ истиқболимиздир.

Гулчехра ДУРДИЕВА

СУРАТЛАРДА: «Еш оила мактаби» машгулотларидан лавҳалар.

Ҳишондорларимиз

Эзгу ишларга бош-қош бўлиб

Аёл — азадан меҳр-муҳаббат ва садоқат тимсоли бўлиб келган. Ана шу меҳр билан бутун оламни яшнатиб келмоқда. Бугунги кунда қайси бир соҳага назар ташламайлик хотин-қизларнинг шижоати, журбатиинг гувоҳи бўламиз.



Гулнора Йўлчиева ҳам ҳаёти амалда бажариш мақсадида у Оила йилида ўз маблаг ҳисобидан Республикада ягона бўлган Тошкент шаҳар «Оила» марказини ташкил этишга эришти. Ушбу марказда шу кунга қадар қилиш ҳаётининг мазмунига айланди. 1971 йилда ўз меҳнат фаолиятини катта иқтисодчи вази-фасидан бошлаган Гулнора опа кейинчалик Мирзо Улугбек ту-

камол топтириш каби вазифаларни амалда бажариш мақсадида у Оила йилида ўз маблаг ҳисобидан Республикада ягона бўлган Тошкент шаҳар «Оила» марказини ташкил этишга эришти. Ушбу марказда шу кунга қадар қилиш ҳаётининг мазмунига айланди. 1971 йилда ўз меҳнат фаолиятини катта иқтисодчи вази-фасидан бошлаган Гулнора опа кейинчалик Мирзо Улугбек ту-

Тошкент шаҳар комиссияси билан ҳамкорликда туман маҳаллаларидаги нотинч оилалар шартини ўрганиш бўйича бир қатор амалий ишлар олиб бормоқда. Мақсадимиз — оилалар фаровонлиги, хотин-қизларимизнинг ҳаёти, оилада бахтли-саодатли умр кечирishi, бирор касб соҳиб бўлиб жамиятда ўз ўрниларини топишларига кўмаклашишдан иборат.



Ҳақиқатан ҳам Гулнора опани бирор кун тинч ўтирганларини кўрмайсиз. Жамоат ишлари билан доимо банд бўлиб, ҳали маҳаллада, ҳокимликда ёки бирор ташкилотда, кеч бўлишига қарамай эса қайси бир оилاداги мижаро ва ажримларни бартараф этиш билан овора. Опа ўзига юклатилган ҳар қандай вазифани чуқур масъулият билан бажаришга одатланган. Унинг 1996 йилда маҳаллада хотин-қизлар кенгаши иш фаолиятини ташкил қилишнинг асосий йўналишларини бўйича тавсияномаси чоп этилиб, ушбу рисола маҳаллаларда фаолият кўрсатаётган хотин-қизлар учун қўлланма сифатида ҳозирга қадар дастуруламал вазифасини ўтамоқда. Утган Обод маҳалла йили муносабати билан Гулнора опанинг яна бир «Аёл, оила, маҳалла ва ёшлар маънавияти» деб номланган китоби чоп этилиб кенг жамоатчиликка тарқатилди.

Заҳматкаш ва жонкуяр аёл — Гулнора Йўлчиевнинг кўп йил-

ман савдо бошқармаси директори ўринбосари, туман ижтимоий-таъминот бўлими раҳбари, 1995 йилдан то ҳозирга қадар Республика «Маҳалла» жамағатисини раисининг ўринбосари ва Тошкент шаҳар «Оила» марказининг раиси вазифасида фидойилик билан меҳнат қилиб келмоқда. «Меҳнат инсонни улугайлади», деб бежиз айтилмаган. Гулнора опа оилалар ҳамда хотин-қизлар турмушини мустаҳкамлашга қаратилган эзгу мақсадлари йўлида тинимсиз меҳнат қилиб, халқимиз орасида ҳурмат ва эътибор қозонди. Опанинг айниқса, ўзини-ўзи бошқарини органи бўлган маҳалла тизимининг нуфузини оширишга, миллий қадриятларини мизга, урф-одатларимизга мос ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, бирдамлик, ҳамжихатликни шакллантиришга, ахлоқий-маънавий тарбияни Республика маҳаллалари ўртасида тарғибот қилишга қўшган хизматлари тахсинга лойиқдир. Гулнора опанинг ихлол билан қўл урган эзгу ва хайрли ишлари талайгина. Республикада «Энг намунали хотин-қизлар кенгаши раиси», «Маҳалланинг тadbиркор аёли», «Энг намунали келин» кўрик-танловларининг ташкилотчиси ва ташаббускоридир. Шунинг алоҳида таъкиллаш керакки, Гулнора Йўлчиева ўзини-ўзи бошқаришнинг ноёб усули бўлган маҳалланинг хотин-қизлар билан ишлаш тажрибаси ҳақида АКШнинг Нью-Йоркда бўлиб ўтган бутун жаҳон конгрессида ўз маърузаси билан қатнашган. БМТнинг катта залда эса «Оилани мустаҳкамлаш» ҳақидаги маърузаси билан қатнашиб, кўпчиликнинг эътиборини тортган.

Оналик ва болалик ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш, оилаларни мустаҳкамлаш, соғлом авлодни

қилинмоқда. Бундан ташқари оилавий мижаролар, ажримларнинг олдини олиш мақсадида

лик самарали меҳнатлари ҳукуматимиз томонидан муносиб баҳолашиб «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» унвонига сазовор бўлди, шунингдек «Шўҳрат» медали ва бир неча бор Фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди. Гулнора опа оилалда ҳам ибратли она. У 2 нафар фарзандини камил инсон қилиб тарбиялаб, воғта етказди. 4 нафар шириндан-ширин набираларининг меҳрибон бувижониси.

«Меҳнатинг — зийнати» дейдилар. Фақат одамларга эзгулик, яхшилик, меҳр ва саховат кўрсатиш ҳаётининг мазмунига айланган Гулнора опадек шижоатли, меҳрибон, заҳматкаш аёлларимизни ҳаминша халқимиз арғолида, эъзозиди бўлишини истаймиз.

Дилором ИКРОМОВА СУРАТЛАРДА: «Оила» маркази фаолиятдан лавҳалар. Қозим Улмасов олган суратлар.

Шарқ дурдоналари



● Гузал тадбир ва ҳайла со- ясида мушкул ишлар осон бўла- ди. Бунга бир мисол: Бир донишманд ўз бисотидан бўлган олтинларини диёнатли такводор деб ном чиқарган бир дўкандор бойга омонат топши- риб, сафарга чиқди. Бир неча ойдан кейин қайтиб келиб бой- дан омонатини талаб қилди. Бой дўкунга:

— Нега ёлгон сўзлайсан? Менга қачон омонат олтин топ- ширдинг? Мен худдан кўржаман, омонатга хиёнат қилмайман, бор, йўқол, менга тўхмат қилма, — деб донишмандни қувлади. Орада бошланган шовқин-суронга одамлар йиғилиб, донишманд- дан:

— Бу дўкандор бой, кўп такво- дор, диёнатли одам. Шундай сўфи одамга тўхмат қилишинг айб эмасми? Йўқол, кет, бўлма- са жазога гирифторм бўласан, — деб бечорани қувлаб юборди- лар. Одамлар бойнинг ҳийла-най- рангларини билмай, пок, диёнат- ли деб ўйлардилар.

Донишманд ноилож шаҳар ҳокими хузурига бориб, воқеани бирма-бир баён қилди.

Шаҳар ҳокими: — Сиз уч кунгача ҳар куни бойнинг дўкони ёнида ўтиринг, тўртинчи куни мен дўкон ёнидан ўтаман, сизга салом бериб, ҳол- аҳвол сўрайман, сиз фақат мени- нг саломимга жавоб бериб, бошқа сўз айтманг. Мен кетган- нидан кейин бойдан олтинла- рингизни талаб қилди, кейин бой қандай муомала қилган бўлса, менга келиб айтинг, — деди.

Донишманд шаҳар ҳокими- нинг берган маслаҳатига амал қилиб, уч кунгача ҳар куни бой- нинг дўкони ёнига келиб ўтира- верди.

Тўртинчи куни шаҳар ҳокими отта миниб, бойнинг дўкони ёни- дан одамлари билан ўтди. Дўкон ёнида ўтирган донишманднинг ёнига келиб отини тўхтатди, до- нишмандга салом бериб:

— Дўстим донишманд, сизга нима бўлди? Ёнимга ҳеч бир кел- май кетдингиз, ким сизни хафа қилди? Эртага ёнимга келинг, ҳол-аҳволингиздан хабар беринг, суҳбатингиздан бизни маҳрум қилманг, — деди.

Донишманд шаҳар бошлиғи- нинг саломига жавоб бериб, бошқа ҳеч нарса демай, унинг сўзларига фақат бошини ликла- тиб қўйди.

Дўкони бой шаҳар бошлиғи- нинг донишмандга қилган муо- маласини кўриб, жуда кўрқиб турарди. Шаҳар бошлиғи қайтиб кетганидан кейин донишманд- нинг ёнига келиб, қўл қовушти- риб салом берди, дўконга олиб келиб зиёфат қилиб айтди:

— Биродар, олтинларингизни қайси вақтда ва қайси жойда менга топширгансиз, айтинг, эҳтимол унутганман.

Донишманд бўлган ишининг ҳаммасини баён қилди. Бой:

— Тўғри айтасиз, олтинла- рингизни менга топширган эдинг- из, энди эсимга тушди, — деб донишманднинг олтинларини олиб чиқди. Кўп узрлар айтиб, унга топширди. Шундай қилиб, шаҳар ҳокимининг гузал тадби- ри орасида донишманд олтин- ларига эга бўлди. Бойнинг хиё- нати халқ орасида машҳур бўлиб, ҳамма дин пардаси ости- га беркиниб, ўзларини такводор, диндор кўрсатган хиёнатчиларга ишонмайдиган бўлдилар. Бой шарманда бўлгандан кейин бир шoir айтди:

— Бой, энди бориб додингни айтил, у худого, Ким, солди сени ўз ама- лингдан бу балога.

Таъкидлаш жоизки, уларнинг барчасида давлатимиз раҳбари маърузасига катта қизи- қиш билдирилган. Бу, албатта, республика ҳукуматининг 2003 йилда иқтисодийёти яна- да эркинлаштириш ва ислоҳ этиш, миллий валюта конвертациясини таъминлашга йўнал- тирилган саяё-ҳаракатлари билан боғлиқдир.

Чунонки, Халқаро иқтисодиёт институтининг ўтиш иқтисодиёти мамлакат- лари/Осиё департаменти мудири Н.Ларди(АҚШ) маъ- рузада баён этилган исло- хотларни амалга ошириш, балансланган иқтисодиётни диверсификация қилиш ва шакллантиришда тизимли ёндашувни таъкидлаш зару- рати тўғрисидаги хулоса- лар жаҳон иқтисодиёти ри- вожланишининг бугунги йўналишлари билан ҳам- оҳанглигини таъкидлаган.

Япония-Ўзбекистон иқти- содий ҳамкорлик бўйича қўмита раиси, "Мицуи ва Ко.Лтд." бошқаруви раҳбари ва бошқарувчи-директори Набуо Охаси Ўзбекистон

Президенти маърузасидаги стратегик муҳим ва асосий соҳалардаги йирик лойиҳаларни, шу жумладан, Япония компаниялари иштирокида- ги лойиҳаларни амалга ошириш тўғрисидаги қуйдаги сўзларини алоҳида зикр этади: "Балки бу камтаринлик бўлмас, лекин мен Япония- Ўзбекистон иқтисодий қўмитасига аъзо ком- паниялар бу жараёнга у ёки бу даражада ўз ҳиссаларини қўшганлари билан фахрланаман. Мен Ўзбекистонни жанубий денгизлар билан боғлайдиган Ғузор-Бойсун-Кумкўрғон темир йўлини қуриш бўйича лойиҳа аҳамиятига бе- рилган баҳога тўла қўшиламан. Шу боис "Ми- цуи" ушбу лойиҳада иштирок этишдан жуда манфаатдорлигини таъкидлашни хоҳлардим".

Грециялик иқтисодиёт соҳасидаги тадқиқотчи, Европа журналистлар ассоциация- си аъзоси М.Френч Ўзбекистон Республи- каси Президенти маърузаси қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини сақлаш даражаси, хом ашёни тақсимлаш ишларига маъмурий ара- лашш, иқтисодий интизом ҳрлати тўғриси- даги танқидий баҳоларини ўзида мужассам этиши ўта муҳим, деб ҳисоблайди. Лекин М.Френч: "2003 йилда Ўзбекистон Президенти Исломо Каримов раҳбарлигида стратегик мақсад — қўлчи фуқаровий жамят ва очик бозор иқтисодиётига йўналтирилган яна бир муваффақиятли қадам ташлади", деб хулоса чиқаради.

Дехлидаги БМТ ва ЮНЕСКО институти директори, профессор С.Баки сўзларига кўра,

**Дехлидаги Португалия маданият марказида "Марказий Осиёнинг Ипак йўли шаҳарлари - Самарқанд ва Бухоро Судҳа Маҳаллигам нигоҳида" мавзусидаги фотосуратлар кўргазмаси очилди.**

### Бухоро ва Самарқанд хинд сайёҳи нигоҳида

Кўргазмада намойиш этила- ётган суратлар хиндистонлик олим ва журналист Судҳа Ма- халлигамнинг гузалликда тен- ги йўқ улғу шаҳарлар — Бухоро ва Самарқанд бўйлаб саёҳати махсулидир. Унда кўча шаҳар- лардаги бетакор қадимий оби- далар, осори-атикаларнинг бетакор гузаллиги моҳирона акс эттирилган.

Суратлар кўргазмасининг тақдимот маросимида Марказий Осиё бўйича олим ва мутахас- сислар, хорижий дипломатик ва- колатхоналар вакиллари, санъ- ат мухлислари ва журналистлар

иштирок этишди.

Тадбирни очар экан, Ўзе- бкистоннинг Хиндистондаги элчи- си И.Маълонзо ўзбек халқи- нинг кўча тарихи ва бой мада- ни меросидан шаҳодат берув- чи Бухоро, Самарқанд, Тошкент ва Хива сингари шаҳарларига тарихий-меъморий обидалар хорижий сайёҳларни ҳамиша ўзига мафтун этишини кайд этди. Элчи кўргазма муаллифи- ни ушбу ижодий муваффақият билан қутлар экан, унга Ўзебеки- стоннинг Дехлидаги элчихона- си номидан эсдалик совғала- ри тақдим этди.

## Ўзбекистон ва жаҳон

Ўзбекистон барқарор ривожланиётган давлат- дир. "Мамлакатингизни жуда яхши билган олим сифатида айтишим мумкинки, Ўзбеки- стон мавқеи барча масалалар юзасидан, ҳоқ сиёсий, ҳоқ иқтисодий бўлисин, доимо ажра- либ туради", деди С.Бакири.

Миср Араб Республикаси Сармоялар бўйи- ча миллий компания бошқаруви раиси Саад

"Хукумат кафолатисиз тақдим этилаётган тўғридан — тўғри хорижий сармоя ва кредит- лар ҳажми сезиларли даражада ўсди. Бу кўрсаткич давлатнинг сиёсий ва иқтисодий моделига ишончининг чўқурашигандан дало- лат беради", — деб таъкидлайди Украина иқти- содийёт вазирлиги бош мутахассиси, "Обзор украинского рынка" журналининг бош муҳар- рири А.Болодурин.

Ўзбекистон Президенти маърузасига Туркияда чиқа- диган "Ватан" газетаси ва Грецияда чиқадиган "Афина- Пресс" хафталик газетаси алоҳида қизиқиш билдириб, ўз саҳифаларида мазкур маъ- рузанинг муҳим бандларини нашр этдилар. Мавриди кел- ганда қайд этиш жоизки, "Афина-Пресс" газетаси ўзи- нинг илгариги сониди "Исло- му Каримов Ўзбекистони" сарлавҳали муфассал мақо- лани ҳам чоп этгн.

"Дўст Ўзбекистоннинг про- грессив ва изчил ривожла- ниши икки томон, яма муно- сабатларимизга ижобий таъ-

сир кўрсатади. Шу нуктаи назардан келиб чиққан ҳолда, ўйлайманки республика му- ваффақиятлари ва биринч даражада, Пре- зидент Исломо Каримов ис- т. ҳотлари маъқулла- ниши ва қўллаб — қуватланиши зарур", — деди "The Korea Post" жур- али раиси ва но- шири Ли Кёнг Сик ўзини т Ўзбекистон Рес- публикасининг Сеулдаги элчихонасига йўлла- ган мактубида.

—Террорчилик, дин й экстремизм, қурол ва гиёванд моддалар, контрабандаси, эко- логик бұҳрон каби замсўзали хавф-хатар- ларга қарши кураш бўйича муштарак саяё- ҳаракатларда Ўзбекистон иштирокини ало- ҳида кайд этмоқчиман. Ушбу муаммолар- ни бартараф этишда Корея ва Ўзбекистон умумий қарашларга эгадилар, — деб ўртоқ- лашди ўз фикри билан Корея ярим ороли энергетикасини ривожлантириш ташкило- тининг ижроия директори Чан Сан Сол.

Швейцария Конфедерациясининг Иқтисодий ишлар бўлими давлат қотибати, Ўзбекистон-АҚШ савдо палатасига аъзо Америка компаниялари ва Ўзбекистонда иш тажрибасига эга бўлган бельгиялик ишибилар- монлар вакиллари республикамиз билан савдо-иқтисодий алоқаларни янада мустаҳ- камлаш, Ўзбекистоннинг стратегик мавқега эга бўлган саноат тармоқларида хусусийла- штириш жараёнида ўзларининг иштирокларини фаоллаштиришдан манфаатдор эканлик- ларини изҳор этдилар.

## Жиноятчиликка қарши биргаликда

**2001 йил ноябрь ойида Тошкентда "Хавфсизлик ва жиноят- чиликка қарши кураш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида" Ўзбеки- стон-Австрия ҳукуматлараро битими имзоланган эди.**

Ҳозир мазкур битим доирасида халқаро терроризм, уюшган жи- ноятчилик, наркотрафик ва бошқа таҳдидларга қарши курашда икки томонлама яқин ҳамкорлик ўрни- тилган. Австрия ички ишлар федерал вазир Ф.Штрассер Тош- кентга ўтган йил май ойида қилган ташрифи чоғида мамлака- тимизнинг жиноятчиликка қарши курашдаги алоҳида мавқеини зикр этиб, Австрия ва Европа Иттифо- қи аъзо бошқа давлатларнинг Ўзбекистон билан ушбу соҳада ҳамкорлик қилишдан манфаатдор эканлигини баён қилган эди.

Яқинда Ўзбекистон Бош про-

куратураси, Ички ишлар вазирли- ги ва Адлия вазирлиги вакилла- рининг Австрияга ташрифи маз- кур алоқаларнинг мантиқий даво- ми бўлди.

Ўзбекистон ҳайъати аъзолари Венада Австрия Ички ишлар ва Адлия федерал вазирликлари, пой- тахт бош прокуратураси раҳбари- яти билан музокаралар ўтказиш- ди, "Вега" махус аксилтеррор бўлинмаси ва жазони ўташ тизи- ми маҳкамалари фаолияти билан танишдилар, австриялик ҳамкасб- лари билан тажриба алмашдилар.

«Жаҳон» АА материаллари асосида тайёрланди.

## Янги қўшма лойиҳа

**Халқаро бизнес-марказда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA)нинг қўшма лойиҳаси бўйича ҳамширалик ишини янада ривожлантиришга бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда касалхона ва шифохоналар ҳамширалари, тиббиёт институт- лари ҳамда коллежлари ўқитувчилари иштирок этди.**

Бугунги кунда ҳамширалик иши бўйича мутахассислар тайёрлаш рес- публикадаги олтин институт ва 54 та коллежда олиб борилмоқда. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тиббиёт ходимлари тайёрлашни яхшилашга қаратилган қатор тадбирлар ўтказил- моқда. Уларнинг билим сифати уму-

ман олганда, педагогларнинг маҳора- тига боғлиқ. Шунга мувофиқ уларнинг малакасини ошириш бўйича қўшма лойиҳа амалга оширилмоқда. JICA экспертлари томонидан семинарлар ташкил қилиниди, таълим натижалари- га кўра ҳамширалик жараёни концеп- цияси ишлаб чиқилди.

Семинарда сўзга чиққан япониялик мутахассислар ййилганларни ҳамширалик ишининг янги концепция- си билан таништирди. Лойиҳада Тошкентда ҳамширалик иши бўйича педагоглар малакасини ошириш маркази очиш кўзда тутилган, бу ерда машғулотларни тренерлар олиб бора- ди. Талаба ва ўқувчилар амалий тай- ёргарлигининг муҳимлиги ва долзарб- лигини ҳисобга олиб, Республика шовилинч тиббий ёрдам илмий мар- казида шунингдек, «намунали касал- хона» ташкил этиш ҳам режалашти- рилмоқда.

## Билиб

## қўйган яхши

КАРТОШКА  
ХИДЛИ ЁКИЛГИ

Маълумки, пазандаликда бир марта масаллик қовурилган ёғни иккинчи бор ишлатиб бўлмайди. Сабаби, узоқ қиздириш натижасида ёғдаги менолен, олеинов каби одам аъзолари учун энг фойдали мой жавҳарлари оксидланиб, зарарли бўлиб қолади. Айниқса, қовурилган ёғни қайта ишлатиб бўлмайди, чунки қовурганда балиқдан ёгга ўтган оксил денатурация бўлиб, коллоид ҳолати ўзгаради ва одамни зарарлаши мумкин. Шу сабабли Европа, айниқса классик ҳисобланган француз пазандалигида қовуриш учун бир бор ишлатилган ёғ тўкиб ташланади. Кёлвин шаҳридаги катта ресторанинг эгаси Эрнест Баник сарқит ёғларни тўкиб ташламасдан бочкаларга йиғдириб қўяр экан. Ҳар ҳолда масалликда ҳеч бўлмаганда механизмларни мойлашга яраб қолар, балки олиф ўрнида ишлатишда қўл келар. Бу ресторанда гарнир учун қоврак қилиб қовуриладиган картошкага зайтун ёғи ишлатилар эди. Бир йилда тўпланган сарқит мой ярим тоннадан ошиб кетади.

Кўпгина кашфиётлар тасодифий содир бўлган дейишади. Бу ёғдан ўринли фойдаланишнинг кашф қилиниши ҳам тасодифий бўлди. Баникнинг ҳайдовчиси дизель двигатели бўлган автомашинага мазут ўрнига билмасдан ҳалиги сарқит ёғдан қуйиб юборган. Лекин ҳеч нарса бўлгани йўқ, машина бемалол юриб турибди. Шундан сўнг Баника бу мой ёқиб қолди. Ушбу машинанинг эгаси йилига 27000 километр масофа юрар экан. Ҳисоблаб кўрилса, бир йилда тўпланадиган сарқит мой унга бемалол етаркан. Бироқ машина юрганда атрофга қовурилган картошканинг хиди тарқаб кетади.

Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов туманидаги 134-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 1998 йили Нуриддин Муратов номига берилган UZI № 364956 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

## ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар ҳокимияти Ўрта махсус,  
касб-ҳунар таълими бошқармаси  
ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳар Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 4 октябрдаги № 400-сонли «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари учун педагог кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига биноан ТТЕСИ қошидаги Яққасарой академик лицей, М.Улуғбек Информатика касб-ҳунар коллежи, Ҳамза Қурилиш касб-ҳунар коллежи, Яққасарой Енгил саноат касб-ҳунар коллежларига директорлик лавозимига танлов эълон

қилади.

Танловда илмий даража (илмий унвон)ли ёки педагогик (касбий таълим) ёки таълим муассасасининг йўналиши бўйича олий маълумотли мутахассислар иштирок этишлари мумкин.

Танловда иштирок этишни хоҳловчилар куйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1. Бошқарма бошлиғи номига ариза
2. Тавсиянома
3. Сўровнома
4. Таржимаи ҳол
5. Маълумоти ҳақида ҳужжатларнинг

асл нусхаси

6. Илмий даража ва илмий унвонлари ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари (мавжуд бўлса)

7. Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса)

8. 4x6 сантиметр ўлчамли 6 дона фотосурат

9. Номзоднинг таълим муассасасига бўлажак раҳбарлик фаолияти бўйича ихтиёрий шаклда ёзилган режаси (концепция). Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Пушкин кўчаси, 7-уй.  
Мурожаат учун телефонлар: 136-05-01, 133-80-34.

Асли Тошкент шаҳри фуқароси ҳисобланган Нейматжон Жуманазаров республикамиз ҳудудидан ўрнатилган мавжуд тартибни бузган ҳолда Сурхондарё вилояти Денов шаҳрига оиласи билан кўчиб келади ва ҳеч қандай рўйхатдан ўтмай яшай бошлайди.

## Ҳукм қилди

Оғуфрушнинг  
«ОВИ» юришмади

Орадан кўп ўтмай у Олимқул Қобилов исмли шахс билан жиний тил бириктириб, мамлакатимиз ҳудудидан жиний ҳаракатларни содир этиш мақсадида қалбаки паспорт тўғрилиб олади.

Нейматжоннинг галдаги режаси бирон жойда ишлаш ҳақидаги қалбаки ҳужжатни расмийлаштириб олиш эди. Шу мақсадда у Қизил Ярим Ой жамияти Сурхондарё вилояти кўмитасининг 7-сонли гувоҳномасини ҳам компьютер принтери орқали тайёрлаб ундаги имзоларни қалбакилаштирди.

Унинг назарида энди ҳаммаси жойидадек эди. 2003 йил 21 октябрда у дастлабки тергов жараёнида шахсини аниқлаш имкони бўлмаган Носир Маннопов исмли шахс билан ўзаро жиний келишган ҳолда Денов шаҳридаги шоҳбекат олдига етиб келади. Ва Носирдан 8 та ўрамдаги оғирлиги 385,62 грамм миқдордаги героин гиёванд моддасини олади ва ўзининг бошқарувидаги «Нексия» русумидаги енгил автомашинасида Тошкентга етказиб келади. Унинг фарз нияти оғуни катта миқдордаги хориж валютасига сотиш эди. Аммо, кўза кунда эмас, кунда ҳам синаверар экан, Сергели туманидаги «Супермаркет» дўкони олдига ўзи олиб келган гиёванд моддасини Шавкат исмли шахсга 6800 АҚШ долларига пуллаётган пайтда Нейматжон Ички ишлар вазирлиги ходимлари томонидан қўлга олинди ҳамда ундан кўп миқдордаги героин гиёвандлик воситаси ашёвий далил сифатида олиб қўйилди. Унинг героин билан боғлиқ ови юришмади.

Содир этилган жиноят иши юзасидан ҳуқуқ-тартибот ходимлари тергов жараёнларини бошлаб юборишди. Гувоҳларнинг берган кўрсатмалари ва айбланувчининг

қисман иқрорлиги ҳисобга олиниб, унинг ҳақиқатдан ҳам Денов шаҳри, Гулистон кўчаси, 75-уйда яшаб келгани аниқланди. Нодир Бобоев бу хатти-ҳаракати билан Жиноят Кодексининг 223-моддаси 1-қисмида кўрсатилган, мамлакатимиз чегарасини гайриқонуний равишда босиб ўтганликда айбланади.

Бундан ташқари ўтказилган «хатшунослик» экспертизасининг хулосаларида Нейматжон Жуманазаров номига расмийлаштирилган Ўзбекистон Республикаси фуқароси имтиёзини берувчи паспорт ва Қизил Ярим Ой жамияти Сурхондарё вилояти кўмитасининг 7-сонли гувоҳномаси қалбаки эканлиги тўлиқ тасдиғини топди. Шу нукта назардан Жиноят Кодексининг 228-моддаси 2-қисми «б» банди, шу модданинг 3-қисмида белгилаб қўйилган жиноятларни содир этган.

Инсон фарзанди қилган хатоларидан хулоса чиқариб олиши зарур. Акс ҳолда эгрилик уни яна ўз домига тортаверди. Аммо...

Аммо Нейматжон бундай қилмади. Муқаддам жиноят содир этиб, Сурхондарё вилояти Узун тумани судининг ажримига асосан айбдор деб топилди. Президентимизнинг «Амнистия тўғрисида»ги Фармони билан жазодан озод этилган бўлса-да, ўзига тегишли хулоса чиқариб олмади. Жиноят устига жиноят содир этиб келди.

Ниҳоят тергов жараёналари якунланиб, иш жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг очик суд мажлисида кўриб чиқилди. Суд ҳукми ўқилди. Унга кўра Нейматжон Жуманазаров 12 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Ғиёсиддин НАЖИМОВ,  
Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди судьяси,  
Хидирали ПАНЖИЕВ,  
журналист.

## Мағбурлар

Маҳалла ва мактаб  
ҳамкорлигида

Юнусобод туманидаги Шарифхўжа Мансурхўжаев номи маҳалла ҳудудидан жойлашган 63-ўрта мактабда «Маҳалла, мактаб, китоб мутолааси» мавзусида уюштирилган хайрия тадбири Муҳаммад Юсуф ижоди ва китобхонлик масалаларига бағишланди.

Тадбирни Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйининг бош муҳаррири Назира Жўраева очар экан, Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф мазкур нашриётда узоқ йиллар самарали меҳнат қилганлиги, апрель ойида марҳум шоирнинг таваллуд кунини муносабати билан кўплаб тадбирлар ўтказилишини баён этди. Шеърлари Ватанга муҳаббат ва салоқат, ўзбекона руҳда, қадриятларимизни улуғлаб битилганлигини таъкидлади ва Муҳаммад Юсуф шеърларидан ўқиб берди.

Тадбир давомида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Малик, шоир Жонибек Субҳон нашриётда китоб чоп этиш сирларини ўқувчи ва ўқитувчиларга сўзлаб беришди. Тоҳир Малик ўзининг «Алвидо болалик» ва бошқа китобларининг ёзилиш тарихи ҳақида сўзлаб, ўқувчиларни қизиқтирган барча саволларига жавоб қайтарди.

Шунингдек 63-мактабнинг илк битирувчиларидан бўлган Шарифхўжа Мансурхўжаев маҳалласи хотин-қизлар комиссияси раисаси, шоира Раҳима Содикова Наврўзга бағишлаб ёзилган шеърларидан йиғилганларга ўқиб, мактаб кутубхонасига китоб туҳфа этди. Мактаб директори Муҳаббат Ибрагимова китобхонлик, китобга муҳаббат ҳаусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. «Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси» жилдлари ва Турсуной Содикованинг одоб-ахлоқ мавзусидаги қатор ибратли китоблари мактаб кутубхонасига тақдим этилди. Мактабнинг маънавий ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Дилдора Нурматова, Гулнора Азимова, кутубхоначи Василя Расулова ва бошқа кўплаб ўқитувчилар ушбу тадбирнинг чиройли ўтишида ўз меҳнатларини аямаландилар.

— Мактаб кутубхонасига китоблар соғва қилиниши биз йиғилганларни жуда ҳаяжонга солди. Бу савобли иш, яхши аъна. Бундай китобларни келажакда мактабга қатнайидиган болажонлар ҳам ўқийди, шу каби ибратли ишлар бошқа мактабларда ҳам амалга оширилса, нур устига аъло нур бўлар эди, — деди ёзувчи Тоҳир Малик йиғилиш давомида.

Тадбир якунида ўқувчилар шеърлар ўқиб, рақсга тушидилар.

Зилола МАННОПОВА

**Футбол**

**ЎЗБЕКИСТОН КУБОГИ БЕЛЛАШУВЛАРИ**

**Футбол бўйича биринчи лига жамоалари ўртасида Ўзбекистон Кубоги беллашувларининг дастлабки босқич мусобақалари ўтказилди.**

Саккиз жамоа иштирок этган ушбу баҳсларда пойтахт шарофини ҳимоя қилаётган «МВУ-Осиё» жамоаси сафарда «Янгиер» футболчилари билан куч синатиш муҳим ғалабани қўлга киритди ва ўз муҳлисларини хурсанд қилди. Учрашунинг 20-дақиқасида меҳмонлар футболчиси А.Ҳафизов ҳал қилувчи тўпни киритди.

Пойтахтимизнинг икки вакили «Локомотив-2» ва «Шайхонтоҳур» жамоалари учрашувни анча муросасиз ва шиддатли хужумларга бой кечди. Аммо рақиб устидан ғалаба қозониш «Локомотив-2» жамоасига насиб этмади. Аксинча меҳмонда тўп сураётганликларига қарамай ушбу ҳолда ҳаракат қилган шайхонтоҳурликлар 2:1 ҳисобида учрашувни ўз фойдаларига ҳал этишга муваффақ бўлишди. Дарвозаларга тўпларни А.Асимов, А.Элибоев ва А.Назаров (пенальти) дан йўллашди.

Қолган учрашувлар куйидагича якунланди. «ОТМК»-«Вобкент»- 0:1, «Фаллакор»-«Тўпаланг»- 2:2.

**ЖИДДИЙ ТАЙЁРГАРЛИК**

Жорий йилда ўтказилган халқаро турнирларда муваффақиятли қатнашиб совринли ўринлардан бирини эгаллашни ният қилган Рауф Иниев етакчилигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси айти кунларда ўқув-машғулот йигинларида қатнашаёпти.

Шуни эътиборлики, маҳоратлари даражасини аниқлаш мақсадида мамлакат ёшлар терма жамоаси футболчилари Козоннинг «Рубин-2» клуби билан синов-назорат ўйинини ўтказишди. Ушбу баҳс 30 март куни бўлиб ўтди.

**АНЪАНА ДАВОМ ЭТАДИ**

Ўзбекистон футбол федерацияси ташаббуси билан ҳар йили мураббийлар маҳоратини оширишга хизмат қилувчи, уларни мураббийлик фаолиятидаги сўнгги янгиликлардан хабардор этувчи лицензияли курслар ташкил этиш аънаанага айланиб қолди.

Жорий йилда ҳам ушбу аънаана бузилмади. Айти кунларда болалар жамоалари мураббийлари «С» лицензияли курсларда иштирок этишяпти. Бухоро вилоятида ташкиллаштирилган ушбу курсларда Бухоро, Қашқадарё, Навоий ва Наманган вилоятларидан ташриф буюрган 24 нафар болалар жамоалари мураббийлари қатнашмоқда. Курс семинарини иқтидорли мутахассис Вадим Шодиметов бошқармоқда.

Навбатдаги «С» лицензияли курс семинари апрель ойида уюштирилади.

(Ўз мухбиримиз)

— Баҳор. Баҳорой келди. Холбуки ҳали қишнинг қировли кунлари кетмаган, ҳали аёзли кунлар ўз қадрини ўтказиш учун пайт пойлаб турган бўлади.

Айти ўриқлар гулга кирган маҳалда ёмғир қорға айланади.

Оппоқ либосга бурканган дарахтлар хайрону лол қолаверади.

Уларнинг куёш нурларидан ўзга панохи йўқ. Дарахтларнинг устини ўрайдиган онаси йўқ. Уларнинг онаси табиат. Бироқ ҳали-ҳануз ўз ўрнини баҳорга бўшашиб беришни истамаётган қишнинг инжикликлари олдида табиат ҳам ожиз.

Бугун душанба. Кечга бориб қор ёға бошлади. Дарахтларнинг гуллини уриб кетса, Махжунтоллар янроқ ёзган. Ўриқлар совуқда қолган оқ либосли келинчақларга ўхшайди. Уларни бағримга олиб иситгим келади. Хануз қор ёғмоқда. Пальталарни кийиб ишга келдик. Буларни 2001 йил 12 март куни кундалигимга қайд этган эканман.

Ҳар баҳор февраль туғаш билан дарахтларга қарайвераман.

— Ҳали қиш. Шошилма дўстим, шошилма, — дея уларни огоҳлантиргим келади.

Ўриқлар авжи Наврўз кунлари гулласа ҳосили мўл бўлади. Йил баракали келади.

Мартнинг бошидан оқ гуллаб олган ўриқларга қайғуриб назар ташлайман. Кейин тавба қиламан. «Эй, Парвардигор, халқимизнинг ризқини бут, дастурхонини тўкин

қил», дея тилак билдираман.

Наврўзни беҳудуга янги кун дейишмаган. Наврўзнинг хислати кўп. 21 мартдан

бўлди. Наврўз яна ўзига ўршаб қолди. Наврўз ўлмади. Наврўз билан халқимизнинг гўзал урф-одатлари ҳам яшаб келди. Мустақиллик ҳаммасини ўз ўрнига қўйди.

Биз йилни январдан бошласак ҳам асл йилни, уйғониш фаслининг бошланишини катта байрам билан кутиб олишни одат қилдик.

Яқинларимиздан бири фарзандига Наврўза деб исм қўйган. Ҳа баҳор мени туғилган куним қачон келади, деб хархаша қилаверади.

Туғилган кунда ўтирган эдик. Наврўза хурсанд. Уртоқларини ҳали март билан табриклаган, ҳали ширинликлар билан сийлагани-сыйлаган. Телевизордан байрам тантаалари олиб кўрсатилаётган эди. Дадаси:

— Наврўза, одамларимиз қандай байрамни нишонлаётмилар? — деб сўраса, жиддий бўлиб:

— Менинг туғилган кунимни, — деб жавоб берди.

Ҳаммамиз кулиб юбордик.

Бу кун чиндан ҳам Наврўзбекларнинг, Наврўзойларнинг туғилган куни эди. Байрам ҳаммамизга муборак бўлсин. Бу байрам меҳр-муруват байрами. Аҳли байрами. Кут-баракали кунлар арафасидаги байрам.

Юраклардаги покиза орзулар рўёбга чиқсин. Янаги йилда ҳам шундай кунни биргалашиб нишонлаш ҳаммамизга насиб қилсин.

Абдурахмон ЖўРА

**Мўйизлар**

**Байрамга**

**ҳамоҳанг кунлар**

**Баҳорни инсоннинг болалигига ўхшатишди. Буни зангор фаслнинг шошқалоқлигидан ҳам пайқаса бўлади. Ҳали адирлардан қор кетмай туриб бойчечак бўй кўрсатади. Куёшнинг илиқ нурларидан куч олиб, чор-атрофга жовдирай бошлайди.**

кейин ерлар кизийди. Дехқонлар ерни ҳайдаб экин экишга тайёрлаб турган. Мартнинг охири апрелнинг бошларида ерга уруғ қадашган.

Наврўз — ёруғ кунларнинг бошланишидир.

Наврўз — кут-баракали кунларнинг арафасидир.

Наврўзгача етиб, оғзига кўкат теккан беморлар ҳам шифо топиб кетади дейишди. Халқимиз азал-азалдан уйғониш фаслини байрам қилган, шоду хуррамлик билан кутиб олган. Наврўзой, Наврўзжон деб фарзандларига исм қўйган.

1991 йилдан бошлаб бу кунлар ўзгача бир шуқух билан байрам қилинадиган

**У-шу**

**Уста мақомига эга бўлди**

**Шаҳримиздаги «Динамо» спорт-соғломлаштириш жамиятидаги «Парвоздаги аждар» у-шу секцияси машғулотларини мана, 15 йилдики, Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг қўл жанги бўйича катта йўриқчиси Владимир Борзов тажрибали мураббий сифатида бошқариб келади.**

Мақтабнинг фаолият кўрсатган даври давомида бу ердан кўплаб юқори тоифали спортчилар етишиб чиқди. Уларнинг кўпчилиги республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари тизимида ишлайди ва ўқийди. Шунингдек, VI жаҳон чемпионати-нинг совриндорлари ҳам бор. «Цзяц Шу» (Тўғри қилич) дастури бўйича иккинчи ўринни эгаллаган Лилия Капустина шулар жумласидандир. Секцияда у-шу сирларини ўрганган Вадим Астафьев эса «Монах» фильмида ўз ролини муваффақият билан ижро этди.

Владимир Борзов ўз шогирдларининг ҳаётда жасур, ватанпарвар ва соғлом инсонлар сифатида етишишлари йўлида бор билим-маҳоратларини ўргатиб боради.

Жинда Владимир Борзов Хитойдан қайтди. Ушбу шарқ яккакурашлари ватанида тажрибали мураббий ва йўриқчи Шаолин ибодатхонасида ма-лака синовидан ўтди ва Ўзбекистонда «Шаолин у-шуси»ни оммалаштириш имкониятини берувчи мақомни расман олиш борасидаги саъй-ҳаракатларни амалга оширди.

Тест синовлари пайтида 63 балл жамгарган ва у-шу академияси тажрибали устали-ридан жамланган комиссияга ўз имкониятларини кўрсатган ҳолда В.Борзовга уста дипломи топширилди.

**Шариф ИСМАТОВ СУРАТЛАРДА: Владимир Борзов нуфузли диплом билан; у-шу бўйича машғулотдан лавқалар.**

Алексей Попов олган суратлар.



**Латифалар**

— Ётавер, бугун дам олиш кунини, — деди буви неварасига.  
— Уйкум туғаб қолди-да, — жавоб берди невараси.

Овчи вокзалда хотинига телефон қилди:

— Ҳўш, онаси, бир ой гўшт сотиб олмайдиган бўлди.

— Нима, шунча катта ов қилдингми?

— Э, йўқ, маошни ичиб бўлдим.

— Тушунолмай қолдим! Ҳар кунни хўрозлар билан бирга тураман, хукиздай ишлайман, иштаҳам бўриникидай, лекин ўзимни ёмон ҳис қиляпман. Докторга борсам-микан-а?  
— Нимага энди? Бормайсан. Фақат ветеринарга учраш!

Адвокат нутқини тинглаб бўлган судья ҳайратланиб деди:

— Агар сизни тўғри тушунган бўлсам, судланувчини авлиёлар қаторига қўйишим керак экан-да?

Жиннихона атрофини тахта девор билан ўрашиб, сариққа бўяб қўйдилар. Лекин эрталаб девор журиши ва қизил рангга бўяяди. Эртаси ундан ҳам ном-нишон қолмади. Деворни яшилга бўяйдилар. Жинчилар ўтлоқда ундан кўз узмай ўтирадилар.  
— Нимага жим ўтирибсизлар? —

сўрашди улардан.

— Пишишини кутяпгимиз.

Бемор жароҳга:  
Доктор, қорним тинмай оғрияпти.

— Қулоқларингизни кесишга тўғри келади. Бемор кўрқиб қочиб кетди ва терапевтга учради-да, бўлган гапни айтиб берди.

— Эҳ, бу жароҳлар, — дея хўрсинди терапевт. — Уларга фақат кесиш бўлса... Мен сизга дори бераман, қулоқларингиз ўз-ўзидан тушиб кетади.

— Биласанми, бу меҳмонхона нимага доим бўш?

— Улар «Бу ерда ўзингизни худди уйингиздагидай ҳис қиласиз» деб эълон ёзиб қўйишган.

Оқшом. Бўм-бўш йўлда икки пиянниста довираб борарди.

Ҳаво совуқ. Йўл четида пичан ғарами кўринди.

— Кел, анавини ёқиб исинволамиз...

Улар исина бошладилар. Киш-лоқдагилар алангани кўришди.

— Ёнғин!

Одамлар югуриб кела бошладилар...

— Вей, сен анавларни қараб қўй, — деди мастлардан бири. — Олов ёқ десанг ҳаммаси қочади, исинишга эса гала-гала бўлиб чо-пишини кўр...



Сўзсиз сурат.

Абдурашул Ҳақимов чизган расм.



Муассис:  
Тошкент шаҳар ҳокимлиги

**Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**

хатлар — 133-29-70;  
эълонлар:  
133-28-95, 132-11-39,  
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усунди босилади.  
5252 нусхада босилди. Қўғоз бирини А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашир кўрсаткичи — 563

Нашири етказиб бериш масалалари бўйича турар жойларини почта бўлимига ёки «Тошкент почтамти»на — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шар» нашриёт-матбос акциядорлик компанияси босмахоноси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.